

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнь ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5439,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 10,8 % га ўсди.

2017 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1830,1 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 8,9 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган хиссаси 5,3 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-июнга нисбатан % да
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>4390,7</b>	<b>5439,5</b>	<b>110,8</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4192,0	5204,5	110,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	198,7	235,0	116,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>4192,0</b>	<b>5204,5</b>	<b>110,6</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	678,0	817,2	105,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1183,9	1651,9	120,1
саноат	847,4	1258,5	125,6
қурилиш	336,5	393,4	106,2
Хизматлар	2330,1	2735,4	107,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	503,0	600,7	107,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	577,0	642,7	106,7
бошқа хизматлари	1250,0	1491,9	107,3

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 125,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 24,2 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 107,5 % (11,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,7 % (12,3 %), қурилиш – 106,2 % (7,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати – 105,6 %, (15,7 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,3 % (28,7 %) ни ташкил этди.



**2017 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари  
(фоизда)**



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 4,3 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 3,6 % пунктга ошди ва 31,8 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши -0,5 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 15,7 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2017 йил январь-июнь 52,5 % ни ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даври (55,6 %) билан таққосланганда – 3,1 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби 2017 йил январь–июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 11,5 % ни (2016 йил январь-июнь 12,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 12,3 % ни (13,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 28,7 % ни (29,8 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

2016 йил январь-июнь

2017 йил январь-июнь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-  
таҳлилий ишлар бўлими**  
Нашр учун масъул: **Х.Хамракулов**  
Тел: (0-371)230-82-60  
(0-374) 228-29-77